Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 23 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (13.190)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида 22 июнь куни ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Хитой Раисини мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, дўст хитой халқига самимий ҳурматини изҳор этди.

Биз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ушбу давлат ташрифини изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич, томонларнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деди Ислом Каримов.

ХХР Раиси Ўзбекистонга навбатдаги ташрифидан мамнун эканини билдириб, ўзаро ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига ҳурматим баланд. 2013 йилда Самарқандни, кеча Бухорони кўриб, ўзбек халқининг юксак салоҳиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори муттасил ортмоқда. Ўзбекистон бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишига ишонамиз, ўзаро ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз, деди Си Цзиньпин.

Ўзбек ва хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳани қамраб олган. Бу алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин мунтазам учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келган. Президентимиз 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин 2015 йил сентябрда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтган тадбирлар доирасида ҳам учрашдилар.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. БМТ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, иқтисодиёт, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – "Жиззах" махсус индустриал зонаси бунинг ёрқин намунасидир. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустриал зонада мобиль телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг "ПолиТехноложи" компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Хитой бизнес субъектлари Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводи қурилишида иштирок этган. "Huawei" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилган. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки кредитлари эвазига соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан зиёд лойиҳа бажарилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташиш мамлакатимиз ҳудуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина "Навоий" интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. "Ўзбекистон – Хитой" ҳамда "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин – Гранприни Хитойнинг "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини имзоладилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсади белгиланган.

Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефть-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масала бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Си Цзиньпин Мустақиллик майдонининг меъморий ечими, чуқур мазмун-моҳиятига юқори баҳо берди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири



АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ғоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Қурилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташиш бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл тизимида ҳаракатланадиган "Ўзбекистон" йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босдилар...

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий эътибор янги темир йўллар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўл тизимини барпо этишга қаратилди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Кейинроқ "аср мўъжизаси" деян олган ноёб иншоот — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 22 июнь куни Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг Покистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

* * *

Покистон Президенти мамлакатимизга ташрифини қадимий Самарқандни зиёрат қилишдан бошлади. Олий мартабали меҳмон Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қайта қурилган Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Покистон Президентига буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой маънавий мероси, уни ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, улуғ зот мангу қўним топган мажмуанинг яратилиш тарихи, мустақиллик йилларида ушбу масканда амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўзлаб берилди.

Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини ўзида мужассам этган мақбара, айвон ва улкан масжид меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Мамнун Ҳусайн Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, улар номи билан боғлиқ масканларни обод этиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, ушбу маскан бутун мусулмон оламининг муқаддас қадамжоларидан бири эканини таъкидлади.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонга Соҳибқирон бобомизнинг давлатчилик тарихи, мамлакатда илм-фан, маданият, ҳунармандликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари, бунёдкорлик салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Дунёга машҳур Регистон мажмуаси билан танишув ва бу ердаги миллий ҳунармандлик буюмлари намойиши ҳам Покистон Президентида катта таассурот қолдирди. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари халқимизнинг бой маданияти, аждодларимизнинг юксак ақл-заковатидан далолат бериши алоҳида қайд этилди.

(ЎзА)

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 2016 йилнинг 21-22 июнь кунлари Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири ўринбосари Галим Аҳмедяров, Хитой Халқ Республикаси маданият вазири Ло Шуган, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Олтинбек Мақсутов, Россия Федерацияси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Аристархов, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода ва ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов иштирок этди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов раислик қилди.

ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирлари ўтган даврда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни муҳокама қилди, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (Бишкек шаҳри, 2007 йил 16 август) ва ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан фикр алмашди.

Томонлар ШҲТ доирасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамфикрлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш, ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг кўп асрлик миллий анъана ва урф-одатларини фаол тарғиб қилишга интилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, томонлар ШҲТ кузатувчи мамлакатлари ва мулоқот бўйича шериклари билан маданият ва санъат соҳасида икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

Томонлар ШҲТ минтақасида, жумладан, Буюк Ипак йўлидаги маданий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш борасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мажлис иштирокчилари ШҲТ минтақаси маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, меъморий ёдгорликлар маълумотлар базаси ва реестрини яратиш, маданий меросни ҳимоялаш ва санъат асарларини реставрация қилиш, мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишнинг олдини олиш, ўзаро манфаатдор бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

(Давоми 2-бетда)

АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ





ЎзА олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақасини қамраб олиш имконига эга бўлди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташилгани ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Fарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳа қатори транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган энг юқори техник хусусиятлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровоз ва тепловозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши бу борада "кўприк" вазифасини ўтайди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган тоннель қурилишига умумий қиймати 455 миллион долларлик маблағ йўналтирилди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали ўтган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Бунёдкорлик ишларида "China Railway Tunnel Group" компаниясининг мингдан зиёд ишчи-мутахассислари, уч мингдан зиёд темирйўлчиларимиз, уч юздан ортиқ электрмонтажчи иштирок этди. Моҳир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда – ёз жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишни бир меъёрда олиб борди. Бу ўз самарасини берди.

Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен – Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғилаш, портлатиш ишлари бажарилди. Шунингдек, 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказгич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди, 2 ним тортиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин турар жой бинолари барпо этилди.

– Темир йўл қурилиши соҳасида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётганим боис Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, – дейди "China Railway Tunnel Group" қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. – Қурилиши ниҳоясига етган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун нечоғли аҳамиятли эканини таърифлаш қийин. Темир йўл борган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Буни мутахассисларнинг қуйидаги таҳлиллари ҳам тасдиқлайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

– Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса биров ишонмасди. Боиси, Қамчиқ довонининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезд қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да, – дейди Тошкент вилояти Паркент туманида истиқомат қилувчи 79 ёшли меҳнат фахрийси Солиддин Салоҳиддинов. – Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқил сиёсати ва ташаббуси билан бундай хаёллар ҳақиқатга айланди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва меҳнатсеварлиги эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

– Мазкур йўл иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади, – дейди Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини топшириш гуруҳи раҳбари Наврўз Эркинов. – Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги жиҳатидан ўн учинчи, МДҲ мамлакатлари орасида ягона бўлган Қамчиқ туннели Тошкент вилояти билан Наманган вилояти ўртасида робита вазифасини ўтайди.

...Дастлабки поезд Қамчиқ туннелини – Сардаладан бошланиб Чодак қишлоғигача бўлган масофани 16 дақиқада босиб ўтди.

"Ўзэкспомарказ" билан Қамчиқ туннели ўртасида тўғридан-тўғри видеоалоқа ўрнатилди.

"China Railway Tunnel Group" компанияси раиси Юй Баоулин ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Очилбой Раматов Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг ишга туширилишга тайёр эканини маълум қилди.

– Биласиз, 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлаган, – дейди Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, "Эл-юрт ҳурмати", "Дўстлик" орденлари соҳиби Тожибархон Йўлдошева. – Сессияда мен ҳам қатнашганман. Ўшанда давлатимиз раҳбари бир янгиликка эътиборимизни қаратди: Ангрен – Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан. Ўшанда давлатимиз раҳбарининг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг юксак олқишига сазовор бўлганди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлаётганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Хитой ва Ўзбекистон аҳил қўшни, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, мамлакатларимиз ўзаро муносабатлардаги самимият руҳини юксак қадрлайди. Келгусида биргаликда халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янада катта ютуқларга эришамиз. Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўллари янада кенг ва порлоқ бўлишига ишонамиз, деди Си Цзиньпин.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва ғоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серқирра, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбирлари

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар маданият ва санъат соҳасида биргаликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш ва дунё халқлари маданияти ҳақидаги билимларни тарғиб этишга хизмат қилаётганини айтиб ўтди. Шу аснода иштирокчилар 2015 йилда Ўзбекистонда ўтказилган "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалини юксак баҳолади ва бу фестиваль дунё халқларини мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқларни санъат орқали эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Иштирокчилар ШҲТ мамлакатлари ҳудудида, яъни Хитой Халқ Республикасида "Ипак йўли" халқаро санъат фестивали, Қирғизистон Республикасида "Арт-Ордо" халқаро театр фестивали, Россия Федерациясида "Бердэмлек – Содружество" санъат фестивали ва Тожикистон Республикасида "Чодари хаёл" халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалининг муваффақиятли ўтказилаётгани халқлар ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш, дўстлик ва яқин қўшничиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини қайд этди. Бундай тадбирлар ШҲТга аъзо мамлакатлар бадиий жамоаларини бир майдонда жамлаб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий колоритини намойиш этиш имкониятини яратади.

Томонлар меҳмондўстлик ва ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирлари мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази ҳамда Европа Иттифоқи комиссиясининг мамлакатимиздаги "Erasmus+" офиси ҳамкорлигида ахборот куни ўтказилди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК

Онлайн тартибида ўтказилган мазкур видеоконференцияда юртимиздаги барча олий таълим даргоҳларининг педагоглари, ёш олимлар, тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ислоҳ этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун юқори малакали, замонавий билим ва тафаккурга эга кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда ўқитиш тизимига кўрсатилаётган юксак эътибор натижасида таълимнинг барча бўғинларида халқаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб олий таълим даргоҳлари Европа Иттифоқининг университетлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ҳамкорлик педагог кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, ўзаро тажриба алмашиш, таълимга илғор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби соҳаларни қамраб олган.

Европа Иттифоқи комиссиясининг "Erasmus+" дастури олий таълим тизимини модернизациялаш, уни янада такомиллаштириш каби мақсадларга хизмат қилади. Тадбирда ушбу дастурнинг лойиҳалари, докторантура ва бошқа илмий тадқиқотлар учун грантлари ҳақида маълумот берилди.

Н.УСМОНОВА

XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, журналистлар иштирок этди.

● Андижонда тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий ҳимоя ва имкониятларнинг янги босқичи мавзусида семинар бўлиб ўтди.Тадбирда текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик ва ошкораликни таъминлаш, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, текширувларни рўйхатга олиш тартибига киритилган ўзгаришлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

● Жиззах вилоятидаги "Маржон суви" уруш ва меҳнат фронти фахрийлари санаторийсида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда сиҳатгоҳга "Нуроний" жамғармасининг 24 миллион сўмлик тиббий жиҳозлари топширилди. Туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги бадиий жамоалар ижросидаги концерт дастури тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

● Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 120 нафар талабаси мазкур ҳаракат аъзоси сифатида вилоят марказининг Буюк Турон кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар қурилишида иштирок этмоқда.

ЖАҲОНДА

● Иркутск областида ҳозирги жазирама паллада ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Жумладан, кучли ёнғинлар қамраб олган ҳудуд 14 минг гектардан ортиқ майдонни ташкил этмоқда.

● Таиландда Зика безгагига чалинган яна уч нафар бемор қайд этилди.

● Москвада инклюзив лойиҳа доирасида аутизм хасталигига чалинган болалар учун дастлабки махсус кинотеатр очилди.

● Қуёш батареялари орқали ҳаракатланадиган жаҳондаги дастлабки Solar impulse-2 русумли самолёт Атлантика океани устидан муваффақиятли парвозни амалга ошириб, Испанияга қўнди.

2016 йил Ўзбекистон тарихида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Мазкур йилда барчамиз муаззам байрамимиз — Мустақилликнинг 25 йиллигини нишонлаймиз. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида мустақиллик халқимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берганлиги билан аҳамиятли эканлиги таъкидланган.

Ким эдигу ким бўлдик

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ОЛИЙ МАҚСАД

"Биз, — дея қайд этилади қарорда, — бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб турибди".

Дарҳақиқат, тарихан жуда қисқа муддатда Ўзбекистонда барча соҳаларда эришилган ютуқларимиз мамлакат раҳбарияти, Юртбошимиз томонидан амалга оширилган туб ислоҳотларнинг натижасидир. Ушбу ислоҳотлар ўзининг чуқур, ҳар томонлама, илмий жиҳатдан мукаммал даражада ўйланганлиги, уларнинг миллат ва жамият манфаатларига мос келганлиги ва шунинг учун ҳам ислоҳотлар фуқароларимиз томонидан астойдил қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари ҳусусида тўхталар эканмиз, энг аввало, ўзимизга "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволни беришимиз, ушбу саволларга тўғри жавоб топишимизни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Қолаверса, эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак, деган савол бизни мустақилликни бундан буён қай тарзда мустаҳкамлаш йўлида бел боғлашга йўналтирадиган ғоя сифатида қабул қилишга имкон беради.

Бугунги кунга келиб, фуқароларимизга мустақиллик туфайли эришилган ютуқларимизни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда қўлга киритган натижаларни тарғиб қилишнинг ҳожати йўқдек туюлади, зеро, муваффақиятларимизнинг барчаси халқимизнинг кўз ўнгида, энг асосийси, уларнинг иштирокида амалга оширилмоқда. Аммо, бугунги куннинг шарофати, у берган имтиёз-у имкониятлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, албатта кечаги кунни эслаш, ундан зарур хулосалар чиқаришни лозим, деб биламиз.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги куннинг қадрини, қимматини, керак бўлса, унинг ижтимоий аҳамиятини кечаги кун билан солиштирмасдан англаш қийин. Шу маънода, ўзбек халқининг яқин тарихи — совет мустабид тузумининг охирги йилларида, мустақиллик арафасида халқимиз турмуш даражаси, яшаш шароити қандай бўлганлигини яна бир бор эсга олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Бундай солиштиришни Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", деб номланган асари асосида амалга оширишни энг тўғри йўл, деб билдик.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

- Пенсионерлар, колхозчилар ойига бор-йўғи 42 сўмдан олишар эди ва бундан кейин қандай яшашни билишмас эди.
- Ўша даврда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисобланганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турарди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этарди.
- Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланган эди холос.
- Қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида биророрта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмаётган эди.
- 1700 та мактаб вайрон ҳолига келган эди.
- Орол муаммоси натижасида Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида яшаётган 4 миллион ватандошимиз аҳволи ниҳоятда мушкуллашган эди.
- Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоизидан кўпроғи қайта ишланмасдан республика ташқарисига чиқарилар эди.
- 1989 йилда республикадаги жиноятчилик 1985 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга, оғир жиноятлар эса бундан ҳам кўпроқ ўсди.
- Ўзбекистонда аҳолининг 9 миллиондан зиёди бечораҳол кун кўрар, аҳолининг 47 фоизига яқинини алоҳида шарт-шароитга муҳтож болалар ташкил этар, ўлим кўрсаткичи мамлакатда (собиқ СССР) жуда юқори даражада эди.
- Иттифоқ бўйича ҳар бир ишлайдиган одамнинг қарамоғида 2 киши бўлса, Ўзбекистонда ҳар бир ишловчига 7 нафар боқиманда тўғри келарди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган барча ислоҳотлар аслида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, улар фаровонлигини оширишга қаратилди. Дарҳақиқат, табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий заминига айланди. Айниқса, меҳнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган халқимизда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, ўз кучига ишонч туйғуларини камол топтириш миллий мафкурамизнинг туб мақсад ва вазифаларини ташкил этади. Бугунги кунда жамиятни ислоҳ қилиш, демократлаштириш ва барча соҳаларни либераллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, айни пайтда узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётнинг "ўзбек модели"дан кутилган асосий мақсад ҳам халқимизнинг фаровонлигини, турмуш шароитини яхшилашдан иборатдир.

Бу борада эришилган ютуқларимизнинг нақадар салмоқли эканлигини юқорида тилга олган, мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарордаги мисоллар ҳам исботлаб турибди. Жумладан, Ўзбекистон қудрати ва иқтисодий салоҳиятини ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати муттасил равишда юксалиб бораётганида кўриш мумкин.

Эришилган ютуқларимиз замирида халқимизнинг фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, мамлакатни модернизациялаш, саноатда, қишлоқ хўжалигида диверсификация жараёнларини амалга ошириш ётганлигини унутиш мумкин эмас. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган 25 йил давомида эришган энг катта ютуғимиз – мамлакатнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, пахта яккаҳокимлигига асосланган аграр давлатдан замонавий индустриал давлатга айланганлиги бўлди. Бугунги кунда иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳиссаси 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимиз ижтимоий фаоллиги ўсди, меҳнатга нисбатан муносабати ўзгарди. Унинг ўз меҳнати туфайли турмуш фаровонлигини ошириш имконияти мавжудлигини ҳис этиши пировард натижада аҳолининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлигини оширди. Буларнинг бари, қарорда қайд этилгани каби, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробардан зиёд кўпайтириш бўйича стратегик мақсадни белгилаш имконини берди.

Ўзбек халқининг узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган нияти – давлат мустақиллигини қўлга киритганлигига ҳам чорак аср тўляпти. Шубҳасиз, бу жуда катта байрам. Халқимиз ушбу байрамга катта тайёргарлик кўрмоқда. Айни пайтда бу – катта масъулият ҳамдир. Мустақилликнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини англаш, мамлакат суверенитетининг иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий заминларини мустаҳкамлаш ва шу аснода ҳар биримизнинг тафаккур тарзимизда чуқур сифат эврилишларини амалга ошириш аслида ушбу муқаддас ва бетакрор байрамимизга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Тошкентда "Конституциявий суд ишларини юритишни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари, хорижлик экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, халқаро ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мирбобоев, парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ этиш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий тизимни модернизация этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди алоҳида ўрин тутмоқда. Конституциявий суд фаолиятини изчил такомиллаштириш, суд ишларини юритишни модернизация қилиш ва демократлаштириш, конституциявий одил судловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимояланишини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимизда Конституциявий суд фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари ва принципларини, унда қатъий мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Асосий қонунимизга мослигини аниқлаш, Конституция ва қонунларнинг нормаларига шарҳ бериш, қонунчилик ташаббусини амалга ошириш ваколатлари воситасида Бош қомусимиз, унинг принциплари устунлигини изчил таъминламоқда.

Тадбир иштирокчилари Конституциявий суднинг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати, унинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни, Конституциянинг устунлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ҳамда конституциявий одил судловнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

– Конституциявий суд Асосий қонуннинг норма ва принципларини ҳаётга татбиқ этишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди, – деди Болгария Конституциявий суди судьяси Филип Димитров. – Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига оид ишларни кўриб чиқиш орқали ҳар бир ҳокимият тармоғининг ўз ваколати доирасида иш юритаётгани, уларнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига қай даражада риоя қилинганига баҳо беради, бу орқали ҳуқуқий давлатнинг муҳим шарти ҳисобланган Конституция устуворлигини таъминлашга кўмаклашади. Анжуманда Ўзбекистоннинг бу борада ўрганса арзигулик тажрибаси, соҳада амалга оширилаётган ишлар билан танишганимиздан мамнунмиз. Зеро, ўзаро тажриба алмашиш биз учун ҳам ғоят фойдалидир.

Мутахассисларнинг фикрича, конституциявий одил судлов – демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир. Асосий қонуннинг устунлигини таъминлаш, қонунийлик муҳитини мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг ишончли гаровидир.

– Жаҳон амалиётида конституциявий судларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаси тобора кучайиб, фуқароларнинг конституциявий одил судловга мурожаат қилиш ҳуқуқлари кенгаяётгани кузатилмоқда. Бу суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишга ижобий таъсир ўтказади, – деди Германия Федератив Республикаси Берлин ери Конституциявий суди судьяси Юрген Кипп. – Анжуман доирасида Ўзбекистон Конституциявий суди фаолияти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёни ва қонунчилик базаси такомиллашиб бораётгани билан танишдик.

Анжуманда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, Конституциявий суд ишларини юритиш тезкорлиги, сифат ва самарадорлигини ошириш, илғор хорижий тажриба асосида бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, Конституциявий суднинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида прокуратура органлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Омбудсман билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, конституциявий одил судловни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Академия проректори Б.Ғойибназаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда тингловчиларнинг халқаро андозалар даражасида билим олиши учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Академия бинолари замонавий меъморлик талабларига мувофиқ тўлиқ реконструкция қилингач, унинг имкониятлари янада кенгайди. Ўқув биноси ва ётоқхона қулай мебель, ўқув қуроллари, мультимедиа ускуналари билан жиҳозланган, барча компьютерлар интернет тармоғига уланган.

Академияда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур, Озарбайжон каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Йиғилишда Академияга олий маълумотга, давлат ва жамият бошқаруви тизимида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга, инглиз тилини мукаммал билган, ўттиз беш ёшгача бўлган номзодлар танлов асосида қабул қилиниши қайд этилди.

Тадбирда ўқув сифатини янада ошириш, хорижий тажрибани ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

А.ҚИЁСОВА

ЮРТИМИЗДА АСЛ ЎҒЛОНЛАР ВОЯГА ЕТМОҚДА

Ҳар куни ўзим фаолият кўрсатаётган билим масканига қадам босарканман, юртимиз тинчлиги, осойишталигига шукроналар айтаман. Қаддини ғоздек кериб ўқув даргоҳига келаётган ўғил-қизларимиз чеҳрасига боқиб, уларнинг ҳаётдан мамнунлигини ҳис қиламан.

Ёшларимиз таҳсил олаётган масканларда яратилган шарт-шароитларни кўриб гоҳида ақлинг шошади. Кенг ва ёруғ, шинам, янгича жиҳозланган синфхоналар... Минглаб китоб фондига эга ахборот-ресурс марказлари, кенг имкониятга эга таълим даргоҳларидан ташқари ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда барпо этилган замонавий спорт мажмуалари ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсанг арзийди...

Мустақилликка қадар ўзбек фарзандининг фан, санъат ёки спорт бўйича халқаро олимпиадаларда, кўрик-танловларда, Осиё ёки жаҳон чемпионатларида қатнашганини, ҳатто ғолибликка эришини орзу қилишимиз ҳам мумкин эмас эди. Бугун ҳар куни ёки кунора ойнаи жаҳон орқали, газета ва журналларда Ўзбекистон фарзандларининг эришаётган ютуқлари ҳақида бир хушхабарни эшитаяпмиз, ўқияпмиз!

Болалигимда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни билардик, холос. Бугунчи?! Полвонларимиз Абдулла Тангриев, Ришод Собиров, Дилшод Мансуров, "чарм қўлқоп" усталаримиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Саидов, Аббос Атоев, Жасур Латипов, Элшод Расулов, Бектемир Меликўзиев... Бу каби юртимиз довруғига довруғ қўшган ва қўшаётган Ўзбекистон ифтихорлари номини истаганча мисол келтириш мумкин. Ана шундай истеъдодли ёшларга ҳавас билан фарзандларини спорт тўгарагларига етаклаб бораётган ота-оналарни кўриб, кўксинг янада ғурурга тўлади.

Ҳар йили кўплаб ўғил-қизларимиз фан ва санъат бўйича ўтказилаётган халқаро олимпиада, кўрик-танловларда ўз иқтидори ҳамда қобилиятларини жаҳонга кўз-кўз қилаётганлигини кўриб, қани энди мен ҳам қайтадан туғилиб, шуларнинг ўрнида бўлиб қолсам, деган фикр хаёлдан ўтади.

Бугун навқирон авлодга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Зеро, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, замонавий асосда билим олишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Нафақат шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам муҳташам ўқув масканлари қад ростлаган. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизни янада фаол бўлишга ундаётгани беҳад қувонарлидир.

Бинобарин, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган ишлар замирида ҳам келажагимиз соҳибларини "Шу азиз Ватан — меники, унинг бугуни ва эртанги куни учун мен ҳам масъулман", деган мақсад билан яшашга ундашдек эзгулик мужассам.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур". Бу борада она Ватанимиз мудофааси йўлида фаолият юритаётган Қуролли Кучларимиз ва унинг сафларида туну кун хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Истиқлол туфайли бугун давлатимиз ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга, эришилган мустақиллик, озодлик, эркинлик ва тенглик каби ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

Бугун ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод вакили албатта, она Ватан ҳимоячиси бўлишни, ҳарбий хизматни ўтаб қайтишни орзу қилади. "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаларининг иштирокчиси бўлиш ҳам мана шундай эзгу орзуларни рўёбга чиқариш йўлида тамал тошини ўрнатиши шубҳасиз.

Ҳозирда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида таълим олаётган йигитлар назарий ва амалий дарсларни ўзлаштириш билан биргаликда ҳарбий хизматда асқотадиган кўникмаларга эга бўлмоқда. Дастлаб, ўқувчилар ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари 1998 йилда ўтказилган эди. У "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилганди.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида бўлиб ўтган мусобақаларда бизнинг 2-Тошкент юридик коллежимиз жамоаси Чилонзор тумани бўйича уюштирилган дастлабки босқичда фахрли биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳар босқичида ўтказилган "Шунқорлар" мусобақасида коллежимиз йигитлари фахрли учинчи поғонани банд этди.

Бу муваффақият замирида, аввало билим масканида ҳар бир фанни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёшларга пухта ўзлаштиришлари учун яратилган шарт-шароитлар, малакали мутахассислар хизмати ётибди. Жумладан, коллежимизда чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш дарслари Қуролли Кучларимиз қудратини акс эттирувчи кўргазмали воситалар, адабиётлар, компьютер ва электрон дарсликлар, видеороликлар билан тўлиқ жиҳозланган махсус хоналарда олиб борилади. 140 соатлик дастур асосида ўтилаётган машғулотларда ўқувчилар сафда юриш қоидалари, мерганлик, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишни ўзлаштириб, ҳарбий фандан бошланғич билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда. Коллежда дастурдаги машғулотлар билан чекланиб қолмасдан, дарсдан ташқари турли тадбирлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда ҳарбий спорт турлари бўйича тўгараклар, клублар фаолияти йўлга қўйилган, турли кўрик-танлов ва мусобақалар мунтазам ўтказилади.

Мустақиллик ўзлигимиз, ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, бугунги тинчлик-тотувликнинг қадр-қимматини ўқувчиларга таъсирчан услуб ва интерфаол шаклларда, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда сингдирилмоқда.

Қолаверса, коллежимиз Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўлими билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келаётир. Мазкур ташкилот билан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзусида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган. Тадбирларда ўқувчиларга мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, ҳарбий ўқув юртлари, уларга ёшларни қабул қилиш шартлари, ҳарбийлар ҳаёти тўғрисида атрофлича маълумот берилмоқда.

Ҳозирда муддатли ҳарбий хизмат йигитлар учун нафақат бурч, балки шон-шарафга айлангани, хизматни ўтаб бўлгач, уни яна давом эттиришни истовчилар сони кўпайиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлаётир. Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатилган кўплаб ёшлар айни кунда шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттирмоқда. Улар орасида коллежимизнинг собиқ битирувчилари ҳам талайгина эканлигидан фахрланамиз.

Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистон келажаги учун жисмонан бақувват ва маънан етук йигит-қизларни тарбиялашга ўзимизнинг баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз сафларини жисмонан соғлом, юксак маънавиятли ёшлар билан тўлдириш борасида амалга оширилган ишларимиз кўламини янада кенгайтиришни ўз бурчимиз, деб биламиз. Бу эса бизни Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради, келажакка комил ишонч билан боқишга ундайди.

Абдумухтор ҲАСАНОВ,
2-Тошкент юридик коллежи директори

Ёз — ўтмоқда соз





Ислом Исмоилов олган суратлар

Яккасарой туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида ўқувчиларнинг таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган бўлиб, болалар эрталабдан тушгача турли тўгарак машғулотларида иштирок этиш орқали маънавий дунёқарашини бойитмоқда.

ТАЪТИЛ ЯНАДА МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Марказда фаолият олиб бораётган "Тасвирий санъат", "Тўқиш", "Рақс", "Ёғоч ўймакорлиги", "Кулолчилик", "Ёш ҳамшира", "Моҳир қўллар", "Мунчоқли безак", "Либослар дизайни", "Вокал", "Инглиз тили сабоқлари" сингари тўгараклар доим ўғил-қизлар билан гавжум. Шунингдек, болажонлар учун ҳафтада икки маротаба пойтахтимиздаги музейларга саёҳат уюштирилса, яна икки бор улар чўмилиш ҳавзасида мириқиб сузиш орқали саломатлигини мустаҳкамлаётир.

— Ёз мавсуми давомида марказимизда фаолият кўрсатаётган 9 номдаги 38 та тўгарак машғулотларига 500 нафарга яқин ўқувчи қамраб олиниши кўзда тутилган, — дейди "Баркамол авлод" болалар маркази директори Дилдора Яҳъяева. — Болажонларнинг иқтидори ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, китобхонлик баҳслари, инглиз тили сабоқлари ташкил этилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданий-эстетик савиясини янада юксалтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Марказнинг "Тасвирий санъат", "Мунчоқли безак", "Тўқиш" тўгараклари тумандаги 118 ва 127-умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда ҳамда 89- умумтаълим мактаби қошидаги ёзги майдончада ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар учун ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унга малакали мураббийлар бош-қош. Мухтасар айтганда, бу масканда болалар таътилнинг ҳар бир кунини унутилмас таассуротлар билан ўтказмоқда.

Зилола ТИЛАБОЕВА

РАНГИН ЮРТИМ ЖИЛОЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган "Рангин юртим" номли кўргазма очилди.

Унда таниқли рангтасвирчи рассом Рустам Худойбергановнинг асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Кургазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Ф.Тошмуҳаммедов, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Ҳ.Аминов ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида маданият ва санъатни ривожлантириш, келажак авлоднинг бадиий-эстетик дидини юксалтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Рассом ўз асарларида мустақиллик йилларида обод ва кўркам бўлиб бораётган юртимиз манзараларини, истиқлол инъом этган неъматларни, меҳнатсевар халқимиз сиймосини, шаҳар ва қишлоқларимиздаги бунёдкорлик ишларини ҳамда кундан кунга чирой очиб бораётган жаннатмонанд диёримиз тасвирларини ўзига хос услубда акс эттирган.

Айни пайтда Рустам Худойберганов Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида маҳобатли рангтасвир кафедрасида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Унинг асарлари шаҳримиз картиналар галереясида, йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг музейлари ва хусусий коллекцияларида сақланмоқда.

Кўргазмада мусаввирнинг "Тошкент оқшоми", "Қишлоқда баҳор", "Дарё бўйлаб", "Ёмғирдан сўнг", "Амир Темур портрети", "Жалолиддин Мангуберди" каби элликдан ортиқ асарлари билан танишишингиз мумкин.

– Рассомнинг асарларини томоша қилар эканман, она Ватанимизнинг нечоғли гўзал ва бетакрор эканлигига яна бир бор амин бўлдим, – дейди талаба Эътибор Жўрақулова. – Айниқса, истиқлол шарофати билан бунёд этилган маҳалла гузарлари, кўркам қишлоқ манзараси, болажонлар учун барпо этилган шинам боғлар тасвири диёримизни севишга, мустақиллигимизнинг қадрига етишга чорлайди.

Ҳа, мусаввир асарлари томошабинни мустақилликни тараннум этибгина қолмай, унинг асл моҳиятини тушунишга, мустақиллик инъом этган неъматларини асрабавайлашга чорлайди. Ҳар бир асар истиқлол ғоясини инсонлар онгу шуурига сингдираётгандай таассурот қолдиради кишида.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

МЕН ВА ОИЛАМ СПОРТЧИ

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлинмаси томонидан пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Мен ва оилам спортчи" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.

Ушбу мусобақада тумандаги фаол ва намунали спортчи оилалар иштирок этиб, спортнинг шашка, стол тенниси, армрестлинг ҳамда югуриш каби турлари бўйича ўзаро беллашди.

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан мақсад, тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилаларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш баробарида, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳаваскор спортчи оилалар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашдан иборатдир, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадиий раҳбари Санжар Раҳимбобоев.

Шунингдек, тадбирда Ўзбек жанг санъати федерацияси ҳамда "Турон" спорт федерацияси спортчилари кўргазмали чиқишлар қилиб, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига аъло кайфият улашдилар.

Ушбу мусобақада ҳакамларнинг натижаларига кўра учинчи ўрин "2-Қатортол" маҳалласида яшовчи Акромовлар оиласига насиб этган бўлса, иккинчи ўринга "Мевазор" маҳалласидан Зоировлар оиласи сазовор бўлди. "3-Чарх Камолон" маҳалласида истиқомат қилувчи Мақсудхўжаевлар оиласи эса биринчи ўринни эгаллаб, ғолиб жамоа деб топилди.

Тадбир сўнгида мусобақанинг фаол иштирокчиларига ва ғолиб жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари, дипломлар ҳамда мазкур истироҳат боғига таширф буюрган болажонлар учун ўйин қурилмаларидан фойдаланиш учун бепул чипталар топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Футбол бўйича олий лига жамоалари мамлакат XXV миллий чемпионатининг 13-тур беллашувларини ўтказишди.

Футбол янгиликлари

"БУНЁДКОР"НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсларидаги муваффақиятсизликдан сўнг бор диққат-эътиборини миллий чемпионат ўйинларига қаратаётган "Бунёдкор" жамоасига ушбу турда ҳам омад кулиб боқди. Тошкентда "Андижон" командаси билан куч синашган Сергей Лушчан шогирдлари 2:0 ҳисобида зафар қучиб, муҳим уч очкони қўлга киритишди. Меҳмонлар дарвозасини Э.Шомуродов ва Д.Ҳамдамов аниқ нишонга олишди.

Жорий мавсумда беқарор ўйинлари билан мухлисларни ҳайрон қолдираётган амалдаги чемпион "Пахтакор"дан бу сафар ҳам омад юз ўгирди. Ғузорда "Шўртан" меҳмони бўлган пахтакорчилар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Турнинг қолган беллашувлари қуйидагича якунланди: "Олмалиқ" — "Обод" – 3:1, "Машъал" — "Қўқон – 1912" — 2:0, "Сўғдиёна" — "Бухоро" — 0:0, "Нефтчи" — "Насаф" — 2:2, "Навбаҳор" — "Металлург" — 0:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Имконият осмондан тушмайди — уни яратиш, излаб топиш керак.

* * *

Ким болаларидан топади,
Ким болаларидан тортади.

* * *

Ҳавас яшнатади,
Ҳасад қақшатади.

* * *

Ўзи интилмаган бошқага ҳам йўл бермайди.

* * *

Қўли эгрининг кўнгли ҳам эгри.

* * *

Шошилмасанг, тўғри қарор қабул қиласан.

* * *

Бекорчининг иши бошқаларга халақит бериш.

* * *

Иззатталаб ўз обрўсини ўзи тўкади.

* * *

Бировники буюрмас.

* * *

Текин алдаб қўяди.

* * *

Пасткашнинг ҳурмати бўлмайди.

* * *

Борига шукр қилмаган боридан ҳам ажралади.

* * *

Нодон ҳеч қачон феълини ўзгартиришга уринмайди.

* * *

Астойдил излаган топмай қўймайди.

* * *

Худбинлик нодонликдан.

* * *

Ўзига ишонмаган шубҳадан холи бўлмайди.

* * *

Тамагир устоздан шогирдлари қочади.

* * *

Фаросатсиз кишида андиша бўлмайди.

* * *

Миннатли ош — иллатли ош.

* * *

Кўнгил қулфининг калити ширин сўз.

* * *

Сабр қилган мақсадга етар.

* * *

Меҳнат — буюк ижодкор куч.

* * *

Ўзинг ҳаракат қилмай, тақдирдан мадад кутма.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Яккасарой тумани Шота Руставели 2-тор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган "MATIMEX VOSTOK" МЧЖ номига 20.12.2012 йилда берилган ТА 1675678/5269-73 сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат консерваторияси раҳбарияти Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейи директори лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 5-уй. Тел: 252-23-35.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 31-33 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 июнь** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 21.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ